

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов

2024 йил “12” 03

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд
вакант лавозимига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг
23 - сон баёни**

2024 йил “12” 03

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов
комиссияси раиси

Қатнашганлар: Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратидаги
мавжуд вакант лавозимлар учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат
босқичини ўтказиш тўғрисида**

(Мирзамахмудов, Мамадаминов, Шукуров, Раупов, Шарофутдинов, Мирзамахмудов)

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик марказий аппаратидаги **Юридик бўлим бош юрисконсулти**, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги **Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳа офиси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш хизмати етакчи мутахассиси** ҳамда **Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш хизмати бош мутахассиси** вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами **139** та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, мувафаққиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан мувафакқиятли ўтган номзодлар танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат жараёнини Агентликнинг масъул ходими М. Баёнов кузатиб борди (Zoom), шунингдек, суҳбат жараёни ёзиб олинди.


Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодларга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодлар томонидан берилган жавоблар Комиссия аъзолари томонидан муҳокама қилинди.


Комиссия аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Вазирлик марказий аппаратидаги Юридик бўлим бош юрисконсулти лавозимига Шарипов Фаррух Фазлиддинович номзоди, Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергетикаси тармоғини ислох қилиш бўйича лойиҳа офиси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш хизмати етакчи мутахассиси лавозимига Рихситиллаев Баходир Хамидулла ўғли номзоди ҳамда Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш хизмати бош мутахассиси лавозимига Ишматов Шохрухжон Шавкатзода номзоди мақуullanсин.

2. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) голиб бўлган номзод билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид хужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.


 А.И. Ахмедхаджаев

 З.Н. Файзиев


 У.М. Мамадаминов

 А.Б. Зайнутдинов

 Д.Л. Шукуров

 Ф.Х. Шарофитдинов

 А.А. Раупов

 Д.И. Исанбеков